

## **ОММАВИЙ ОФЕРТА**

(WEB Polis Платформаси учун)

Ушбу Оферта юридик ва жисмоний шахсларга, “Web Polis” МЧЖ (кейинги ўринларда – Оператор) томонидан “Web Polis” платформасидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома тузишга қаратилган расмий оммавий оферта ҳисобланади. Ушбу Офертада кўрсатилган ҳаракатларнинг бажарилиши – платформада рўйхатдан ўтадиган шахслар томонидан ушбу Офертада (кейинги ўринларда – Шартнома) белгиланган шартларда, тартибда ва ҳажмда хизматлар кўрсатиш шартномасини тузишга розилигини (қабул қилишини) сўзсиз ва шартиз тасдиқлашдир.

### **1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР**

1.1. Ушбу Шартномада қуйидаги асосий тушунчалардан қўлланилади:

“Web Polis” МЧЖ (Оператор) «Web Polis» платформасини ишлаб чиқувчи ва унинг муаллифлик ҳуқуқи эгаси.

“Web Polis” платформаси (кейинги ўринларда – Платформа) – бир қатор хизматлардан фойдаланишга техник имкониятлар тақдим этувчи ахборот-технологик тизим бўлиб, у веб-сайт (<https://webpolis.uz>) ва мобил иловани ўз ичига олади.

Фойдаланувчи – Платформадан рўйхатдан ўтиб, ундан фойдаланаётган жисмоний ёки юридик шахс;

Ҳамкор ташкилотлар – ўз хизмат ва маҳсулотларини Платформа орқали тақдим этаётган ташкилотлар;

Хизматлар – Платформа орқали Фойдаланувчиларга кўрсатиладиган воситачилик, ахборот ва бошқа хизматлар;

1.2. Ушбу Шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилмаган тушунчалар, Оферта матнидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ талқин қилинади.

### **2. ОФЕРТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

2.1. Ушбу Оммавий офертани қабул қилиш Фойдаланувчининг “Web Polis” платформасида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқлаш орқали амалга оширилади. Ушбу вақтдан бошлаб, мазкур шартнома тузилган ҳисобланади.

2.2. Агар Фойдаланувчи ушбу Шартнома шартларига рози бўлмаса, у Платформадан фойдаланишни тўхтатиши керак.

2.3. Агар Фойдаланувчи Шартнома шартларини бўзса, Оператор бир томонлама Платформага киришни чеклашга ёхуд тўхтатишга ҳақли.

2.4. Оферта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

### **3. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

3.1. Ушбу Шартномага мувофиқ, Оператор Фойдаланувчига Платформанинг функционал имкониятларидан фойдаланиш учун техник кириш ҳуқуқини тақдим этади, Фойдаланувчи эса Платформанинг хизматларидан фойдаланади ва шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган пуллик хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

3.2. Оператор Платформанинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган хизматлар ва бошқа операцияларни амалга оширишда фақат техник ва ахборот ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди ҳамда ҳамкор ташкилотлар фойдасига Фойдаланувчиларнинг жорий ҳисоб рақамларидан (карталар) тегишли пул маблағларни ечиш ва ҳамкор ташкилотларга ўтказишни ўз зиммасига олмайди.

3.3. Шартнома билан тартибга солинмаган ҳолатлар юзага келганда, томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ иш юритадилар.

3.4. Ушбу Офертани акцепт қилган ҳолда, Фойдаланувчи <https://webpolis.uz/uploads/mahfiylik-siesati.pdf> манзилида жойлаштирилган Махфийлик сиёсат билан танишганини ва унинг Платформадан фойдаланиш доирасида қўлланилишига розилигини тасдиқлайди.

3.5. Ушбу Шартноманинг янги таҳрири Платформада жойлаштирилган пайдан бошлаб кучга киради, агар янги таҳрирда бошқа муддат кўрсатилмаган бўлса. Платформадан фойдаланишни давом эттириш, Фойдаланувчининг янги таҳрирга ҳеч қандай қўшимча огоҳлантириш ёки розилик олмасдан автоматик ва сўзсиз розилигини аниқлатади.

3.6. Ушбу Шартнома очиқ ва ҳамма учун умуммаълум ҳужжат ҳисобланади.

3.7. Ушбу Оммавий офертани қабул қилиш билан Фойдаланувчи Ўзбекистон Республикаси “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий талабларига асосан Операторга унинг шахсга доир маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш, тизимлаштириш, сақлашга тўлиқ, чексиз розилигини тақдим этади.

3.8. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосида ишлаб чиқилган.

#### **4. ПЛАТФОРМА МАҚОМИ**

4.1. Платформа – бу интернет ресурси (ахборот воситачиси) бўлиб, у дастурий таъминот ва электрон маълумотлар мажмуасидан иборат. У фойдаланувчиларга маълумотларни олиш ҳамда хизматлардан фойдаланиш учун техник имкониятини яратади.

4.2. <https://webpolis.uz> домен номи, шунингдек Платформанинг дастурий таъминоти, маълумотлар базаси, тузилмаси ва бошқа элементларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар Операторга тегишлидир. Фойдаланувчининг Платформага кириши ва ундан фойдаланиш тартиби ушбу Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

4.3. Платформа доирасида жойлаштирилган ва/ёки фойдаланилаётган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган барча мутлақ мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар (шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда: дастурий код, интерфейс, логотиплар, дизайн, номланиш ва тузилма) Операторга тегишлидир.

4.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу Шартнома бўйича ёки Сайт фаолияти билан боғлиқ ариза, таклиф ва шикоятлари, шунингдек, ваколатли органларнинг сўровлари Операторнинг электрон почта манзилига ёки [webpolis.uz@mail.ru](mailto:webpolis.uz@mail.ru) электрон почта манзилига ёки фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш хизматидаги рақамлар орқали қабул қилинади.

4.5. Ушбу Шартнома ҳеч қандай тарзда Фойдаланувчига компания номи, савдо белгиси, домен номи ва Сайт операторининг бошқа таниқли белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди. Сайт Операторининг компания номи, товар белгиси, домен номи ва бошқа таниқли белгиларидан фойдаланиш ҳуқуқи Сайт операторининг ёзма розилиги билан берилиши мумкин.

4.6. Платформанинг бошқаруви, администрацияси, техник қўллаб-қувватлаши ва ривожлантирилиши Оператор томонидан бир томонлама тартибда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва тегишли давлат хизматларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосдаги ўзгаришларни инobatга олган ҳолда амалга оширилади.

4.7. Платформа Оператори фойдаланувчиларнинг таклифларини инobatга олган ҳолда қўшимча хизматлар кўрсатиши мумкин.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Оператор ва Фойдаланувчи ушбу Шартнома томонлари ҳисобланади.

5.2. Томонлар ҳуқуқлари:

5.2.1. Платформа Оператори куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Фойдаланувчиларни улаш ва уларга хизмат кўрсатиш қоидаларини белгилаш, ўзгартириш, вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш;

- Платформанинг функцияларини тарғиб қилиш ва фойдаланувчиларни жалб қилиш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан маркетинг ва реклама кампанияларини ўтказиш;

- Фойдаланувчиларни жалб қилиш, уларга хизмат кўрсатиш шартларини тушунтириш ва Платформа функцияларидан фойдаланишни таклиф қилиш.

5.2.2. Фойдаланувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Шартнома шартларига мувофиқ Платформа хизматларидан фойдаланиш;

- Шартнома шартлари асосида платформага кириш ҳуқуқига эга бўлиш;

- Платформадан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар, техник ва ахборот ёрдамани сўраш ва олиш.

5.3. Томонлар мажбуриятлари:

5.3.1. Платформа оператори қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

- Платформанинг барқарор ва ишончли ишлашини, техник хизмат кўрсатиш, янгиланишлар ва носозликларни бартараф этишни таъминлаш;

- Хизмат кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш;

- Фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини Махфийлик сиёсатига мувофиқ қайта ишлаш, уларни хавфсизлигини таъминлаш ва қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари тарқатмаслик;

- Маълумотларни қабул қилиш, текшириш ва узатишга оид техник талабларга ва Платформанинг белгиланган регламентларига риоя қилиш;

- Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни виждонан ва тўлиқ бажариш;

- Фойдаланувчилардан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўғри бажаришларини талаб қилиш.

5.3.2. Фойдаланувчи қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

- ушбу Шартнома шартларига риоя қилиш; - аниқ ва тўғри маълумотларни тақдим этиш;

- Сайт хизматларидан фойдаланиш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлган ва учинчи шахсларнинг қонуний манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек, реклама, эротик, порнографик ва ҳақоратомуз сўзлардан (маълумотлардан) фойдаланмаслик;

- учинчи шахсларнинг маълумотларга, шарҳларга муаллифлик ҳуқуқлари, товар белгилари, бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузмаслик;

- тақдим этилган пуллик хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлаш;

- платформадан ноқонуний мақсадларда фойдаланмаслик, унинг бирламчи ва бошқа кодларини ўзгартирмаслик ҳамда шунга уринмаслик, платформани бузиб киришга ҳаракат қилмаслик, сайтга бошқача ҳар қандай тарзда зарар етказмаслик ва бунга уринмаслик, платформага хакерлик ҳужумларини амалга оширмаслик ва уни ўзгартирмаслик;

- бошқа шахсларнинг шахсга доир маълумотларини ва шахсий ҳаётининг махфийлигини сақлаш;

- Платформадан Шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш;

- Платформанинг тегишли интерфейсларида Оператор томонидан эълон қилинган Платформа фойдаланувчилари учун хабарларни кузатиш, шунингдек, ушбу хабарлардаги талабларга риоя қилиш;

- шахсга доир маълумотларни ва/ёки Платформага киришни таъминлайдиган бошқа маълумотлар учинчи шахсларга бермаслик;

- Ҳисоб маълумотларини учинчи шахслар томонидан ноқонуний равишда олиш ва улардан фойдаланишнинг олдини олиш бўйича зарур ташкилий-техник чора-тадбирларни кўриш;

- Операторга Платформага кириш учун Ҳисоб маълумотларидан учинчи шахслар томонидан ноқонуний фойдаланишга доир фактлар ёки шубҳалар, шу жумладан мобил телефон рақамига кириш йўқолган (йўқолган, ўғирланган ёки йўқолган бошқа воситалар) тўғрисида дарҳол хабардор қилиш.

- Платформа орқали ноқонуний молиявий операцияларни, ноқонуний савдони, жиноятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ёки терроризмни молиялаштиришга қаратилган операцияларни ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланган бошқа ҳаракатларни амалга оширмаслик;

- фойдани мунтазам равишда олиш ёки даромадни яширишга қаратилган операцияларни амалга ошириш учун Платформадан фойдаланмаслик.

5.4. Фойдаланувчи тақдим этган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгардир. Маълумотлар тақдим этилмаса, тўлиқ бўлмаса ёки атайлаб нотўғри кўрсатилса, Оператор рўйхатдан ўтказишни рад этишга, уланишни бекор қилишга ёки функционал имкониятларни чеклашга ҳақли.

5.5. Платформада қуйидаги ҳаракатлар қатъиян тақиқланади:

- Бошқа фойдаланувчиларнинг эътиборини чалғитишга йўналтирилган ҳаракатлар;
- Бир нечта аккаунт очиш/бир нечта API га уланиб, бошқа компаниялар ёки юридик шахсларнинг номлари ёки тахаллуслари остида ўзини кўрсатиш;

- Ёлғон маълумот асосида уланиш, ўзини бошқа шахс сифатида кўрсатиш ёки ёлғон маълумот тарқатиш;

- Ариза бланкаларида номақбул, нозарур маълумотларни жойлаштириш;

- Қайси фойдаланувчига қаратилгани номаълум бўлган ҳолатга олиб келувчи изоҳлар қолдириш;

- Хизмат кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузиш.

5.6. Платформада жойлаштирилган барча объектлар, шу жумладан дизайн элементлари, матнлар, графикалар, фото ва видео материаллар, скриптлар, дастурлар ва бошқа объектлар ва уларнинг комплекслари (кейинги ўринларда – Контент) Сайт Оператори ва бошқа ҳуқуқ эгалари муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган.

5.7. Ҳеч қандай Контентни ушбу Шартномада кўрсатилганидан ҳоллардан ташқари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда тўлиқ ёки қисман нусхалаш (қайта нашр этиш), қайта ишлаш, тарқатиш, намойиш қилиш, нашр қилиш, юклаб олиш, узатиш, сотиш ёки сотиб олиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси, муаллифнинг олдиндан розилигисиз, муаллифнинг аниқ рухсати бўлган ҳоллар бундан мустасно.

5.8. Фойдаланувчи бошқа сайтлар, маълумотлар базалари ва бошқа муаллифларнинг мазмуни билан боғлиқ интеллектуал фаолият натижаларини муаллифнинг розилигисиз, Платформада юклаш ёки нашр этиш ҳуқуқига эга эмас.

5.9. Фойдаланувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтиш жараёнида тақдим этилган, шунингдек, шахсий кабинетига жойлаштирилган шахсий маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш, учинчи шахсларга тақдим этишга розилик берган деб ҳисобланади. Шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5.10. Сайт Оператори Фойдаланувчининг шахсга доир маълумотларини қайта ишлаш ва сақлаши мумкин, шунда у Сайт хизматларидан фойдаланиши ва Сайт хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган тегишли маълумотларни таҳлил қилиши мумкин.

5.11. Сайт Оператори Фойдаланувчининг идентификатори билан боғлиқ барча маълумотларни ноқонуний олиш, ўзгартириш, ошқор қилиш ёки йўқ қилишнинг олдини олиш чораларини кўради. Сайт Оператори фойдаланувчи маълумотлари билан фақат сайт функцияларини созлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлгандагина бошқаларга ишлашга рухсат бериши мумкин.

5.12. Сайт Оператори Фойдаланувчи томонидан тақдим этилган маълумотлардан, шунингдек, шахсий маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига риоя қилиш мақсадида (шу жумладан, Фойдаланувчининг қонунга хилоф ҳаракатларининг олдини олиш ёки уларга чек қўйиш мақсадида) фойдаланиши мумкин. Фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, Шартнома бўйича ёки суднинг ҳамда қонун ҳужжатларида ваколат берилган бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва давлат органларининг талабига биноан бошқа шахсларга берилиши мумкин.

## **6. ПУЛЛИК ХИЗМАТЛАРНИНГ НАРХИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ**

6.1. Платформа жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизматлар кўрсатади. Пуллик хизматларнинг нархи ва тўлов тартиби ушбу Шартномада ва/ёки Платформанинг ўзида белгиланган қоидалар билан тартибга солинади.

6.2. Хизматларнинг нархи Оператор томонидан белгиланган тарифлар билан белгиланади. Платформада рўйхатдан ўтиш Фойдаланувчининг хизмат нархи, белгиланган тўлов қиймати ва ушбу Шартнома шартлари билан розилигини билдиради.

6.3. Томонлар Платформанинг Ҳамкор ташкилотлар ва фойдаланувчилар ўртасида воситачи вазифасини бажаришини қабул қилади ва розилик беради. Платформа Ҳамкор ташкилотлар томонидан белгиланган хизматлар нархи учун жавобгар эмас.

6.4. Платформа воситачи сифатида Фойдаланувчилардан белгиланган тартибда белгиланган ҳақ олади. Узрли сабабларсиз тўловлар амалга оширилмаган тақдирда, Оператор Платформада Фойдаланувчиларнинг хизматларини чеклаш ёки бекор қилиш чораларини кўради.

6.5. Платформадан фойдаланиш жараёнида, Фойдаланувчи ва Ҳамкор ташкилотлар ўртасида низолар юзага келса, Оператор келиб чиққан низога аралашмайди ёки уни ҳал қилмайди.

6.6. Оператор ва Фойдаланувчи ўртасидаги пул маблағларини қайтариш масалалари ва низолар ушбу томонлар ўртасидаги алоҳида келишув асосида ҳал қилинади. Оператор пул маблағларини қайтармайди, уларни қопламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Хизматлар учун олинган тўловлар қайтарилмайди.

## **7. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАРНИНГ МАХФИЙЛИК СИЁСАТИ**

7.1. Маълумотларнинг махфийлик сиёсати Платформада маълумотларнинг махфийлиги муносабатларини бошқаради.

7.2. Маълумотларнинг махфийлиги сиёсати Шартноманинг 3.4-бандида белгиланган алоҳида ҳужжат билан тартибга солинади.

7.3. Ушбу қоидалар Оператор томонидан Фойдаланувчи ҳақида рўйхатдан ўтиш ва Платформадан фойдаланиш давомида олинган барча маълумотларга нисбатан татбиқ этилади. Фойдаланувчининг Платформада рўйхатдан ўтиши ва ундан фойдаланиши – махфийлик сиёсати ва шахсга доир маълумотларни қайта ишлаш шартларига сўзсиз розилик билдирилганлигини англатади. Агар Фойдаланувчи ушбу шартларга рози бўлмаса, у Платформадан фойдаланмаслиги лозим.

7.4. Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан, тижорат сирини оид ва келишув давомида маълум бўлган махфий маълумотларни сир сақлашга мажбурдир.

7.5. Томонлар махфий маълумотларнинг ошкор этилиши учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Томонлар ушбу Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

8.2. Фойдаланувчи ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатида юзага келган ҳар қандай зарар ёки салбий оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

8.3. Фойдаланувчи шахсий маълумотларини ишончсиз ҳаволалар орқали ёки зарарли дастурлар таъсиридаги қурилмаларга киритганлик натижасида юзага келган оқибатлар учун яқка тартибда жавобгардир.

8.4. Фойдаланувчи томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолати асослаб берилган тақдирда ҳам, Оператор ушбу ҳолат учун жавобгарликни уз зиммасига олмайди.

8.5. Фойдаланувчи ушбу Шартнома шартлари ва таклифлари билан танишмаганлиги ва (ёки) ўз вақтида танишмаганлиги сабабли унга етказилган зарар учун Оператор жавобгар эмас.

8.6. Агар Шартнома шартлари бажарилмаслиги Операторга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра юзага келган бўлса, у бу бўйича жавобгарликни олиб бормайди. Платформа назорати фақат Платформанинг ўз ишлаш доираси билан чекланган бўлиб, учинчи шахслар хатолари ёки давлат ёки суд органларининг чекловлари билан боғлиқ муаммоларни ўз ичига олмайди.

8.7. Агар мажбуриятларни бажармаслик фавқулодда ҳолатлар (форс-мажор) туфайли юзага келган бўлса ва бир томон ушбу ҳолатни олдиндан билмаган ёки олдини олиш учун оқилона чора кўрган бўлса, томонлар жавобгарликдан озод этилади.

8.8. Оператор техноген хусусиятга эга форс-мажор ҳолатлари (масалан, электр ёки компютер тармоқлари, алоқа воситалари аварияси, учинчи шахсларнинг Платформани ишдан чиқаришга қаратилган ҳаракатлари) туфайли мажбуриятларини бажармаган ҳолларда тўлиқ жавобгарликдан озод этилади.

8.9. Йўқолган, ўғирланган ёки бошқа ҳолларда фойдаланувчи Платформа уланган мобил (абонент) телефон рақамига кириш имконига эга бўлмаса, Фойдаланувчи учинчи шахсларнинг ушбу платформадан фойдаланиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлари учун барча хавф ва жавобгарликни ўз зиммасига олади.

8.10. Фойдаланувчининг техник қурилмалари ёки алоқа тармоқларидаги узилишлар учун Оператор жавобгар эмас.

8.11. Оператор Фойдаланувчи томонидан Платформа ва/ёки бошқа шахсий маълумотларга кириш учун ўз Ҳисоб маълумотларини ошкор қилганлиги сабабли Фойдаланувчига етказилган ҳар қандай зарар учун жавобгар эмас.

8.12. Оператор Ҳамкор ташкилотлар томонидан Фойдаланувчига тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, шунингдек, Фойдаланувчилар томонидан сотиб олинган хизматларнинг фойдаланувчиларга тақдим этилиши билан боғлиқ жараёнда ва фойдаланувчилар олдидаги мажбуриятлари учун жавобгар эмас.

8.13. Фойдаланувчи томонидан Платформада амалга оширилган барча операциялар учун жавобгардир. Ушбу шартноманинг 5.3.2-бандидаги мажбуриятларининг ҳар қандай бузилиши учун Фойдаланувчи 10 000 000 сўм жаримани Операторга тўлайди.

8.14. Оператор бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган алоқа линиялари, фойдаланувчилар ёки транзит тармоқлар орқали амалга оширилаётган техник узелларнинг ишлаши учун жавобгар эмас.

8.15. Платформага боғланган аккаунт номидан учинчи шахслар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар, қурилмага ўрнатилган дастурлар ва иловалардан фойдаланган ҳолда содир этилган ҳаракатлар учун барча хавф ва жавобгарликни Фойдаланувчи ўзи зиммасига олади.

## **9. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

9.1. Шартнома Фойдаланувчи томонидан аккаунтни ўчириш орқали бекор қилинади.

9.2. Агар Фойдаланувчи ушбу Шартнома шартларини бузса, Оператор унинг аккаунтини деактивация қилиш ва шартномани бекор қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

## **10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

10.1. Шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар, томонлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

10.2. Музокаралар орқали келишувга эришилмаган тақдирда, у қонунчиликга мувофиқ суд томонидан кўриб чиқилади.

## **11. БОШҚА ШАРТЛАР**

11.1. Платформа тегишли хизматларни биргаликда кўрсатувчи Ҳамкор ташкилотларнинг маълумотлар базалари билан интеграцияланган ва фойдаланувчи маълумотлари ушбу ташкилотлар томонидан қабул қилинади. Фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотлар ҳам ушбу ташкилотлар томонидан Платформага тақдим этилади.

11.2. Фойдаланувчи ва учинчи шахслар томонидан платформа таркибидан ноижорат мақсадларда фойдаланишга барча муаллифлик ҳуқуқлари, муаллифнинг исми ва Контент ўзгаришсиз қолиши шarti билан рухсат этилади.

11.3. Учинчи томон сайтлари ва контени:

11.3.1. Платформа бошқа интернет сайтларида жойлашган мақолалар, фотосуратлар, иллюстрациялар, график материаллар, маълумотлар, иловалар, дастурлар ва бошқа интеллектуал фаолият натижаси бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳимояланган контентга ҳаволаларни ўз ичига олиши мумкин (яъни, учинчи шахсларга тегишли сайтлар).

11.3.2. Учинчи шахсларга тегишли деб кўрсатилган контент Оператор томонидан ҳеч қандай мезонлар бўйича (ишонччилик, тўлиқлик, объективлик) текширилмайди. Оператор Платформада жойлаштирилган, фойдаланувчи томонидан рухсат этилган ёки учинчи томон контенти орқали олинган учинчи шахслар ҳақидаги ҳар қандай маълумот учун, шунингдек, учинчи шахслар томонидан тақдим этилган ёки уларнинг контентида мавжуд бўлган ахборот учун жавобгар эмас.

11.3.3. Платформада жойлаштирилган бошқа ҳар қандай платформага оид маълумотлар, маҳсулотлар ёки хизматларга оид ахборотлар тижорат ёки ноижорат характерга эга бўлишидан қатъи назар, Оператор томонидан тавсия этилган контент ҳисобланмайди.

11.4. Ушбу Таклифни қабул қилиб, Фойдаланувчи Шартноманинг барча шартларига сўзсиз розилигини тасдиқлайди ва уларга риоя қилиш мажбуриятини олади.

11.5. Сайтнинг тегишли платформалари ва бўлимларида улардан фойдаланиш қоидалари, кўрсатмалари, маълумотлари ва тавсиялари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

11.6. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати чекланмаган.

11.7. Ушбу Оммавий оферта расмий ҳужжат ҳисобланади ва унга илова қилинган ҳужжатлар Оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланади.

11.8. Томонлар шахсий маълумотлари ўзгарган тақдирда бир-бирларини дарҳол хабардор қилишлари ва Платформага ўзгартиришлар киритишлари шарт.

11.9. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва мазкур Шартноманинг мақсадларига мувофиқ тарзда тартибга солинади.